КОНЦЕПТ ТЕРМИНИНИНГ КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИКДА ВА ЛИНГВОМАДАНЯТШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мирзаева Наргизой Санжаровна
Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти
Иқтисод ва қурилиш факултети
Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Концептлар онг элементлари сифатида тилга нисбатан бутунлай автономдир. Одамлар кўпинча сўзларни ўз билим даражасида эмас, балки улар билдирадиган маънолар, яъни концептлар даражасида эгаллайдилар. Шундай қилиб, сўзнинг маъноси – шунчаки ифодаланган концептнинг мазмуни ҳақида умумий тасаввур беришга, унинг маълум чэгараларини белгилашга, маълум бир сўз билан унинг маълум хусусиятларини тақдим этишга уринишдир.

Э.С.Кубрякованинг таърифига кўра, фақат “белги билан тутилган” концепт маъноси айланади. Шунинг учун маъно ва концептлар ўртасидаги муносабатлар мураккаб. Ёрқин мисол – аниқ маънони топиш қийин бўлган юкламалар, олмошлар, ёрдамчи сўзлар. Шу билан бирга, уларнинг орқасида турган тушунчалар ҳамма учун мутлақо тушунарли: алоқа, қарама-қаршилик, кўрсатма, объект ёки шахсни алмаштириш ва бошқалар[1].

Когнитив тилшуносликнинг ўрни, аҳамияти ва унинг ёндош тилшунослик соҳаларидан асосий фарқлари жаҳоннинг кўзга кўринган когнитив тилшунослари мазкур соҳанинг замонавий тилшуносликдаги мустақил мақоми бўйича қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган, тил ҳодисаларини ўрганишда когнитив-функционал ёндашиш афзал эканлиги эътироф этилган[2].

Мазкур семантик ёндашув моҳиятидан келиб чиқиб, таниқли типолог олим В.Крофт ҳам шу ҳақда ёзар экан, у тилни типологик тадқиқ қилишда когнитив тилшуносликнинг бетакрор аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди[3].

Шунингдек, ўзбек тилшунослари (А.Абдуазизов, Д.Ашурова, Ў.Юсупов, Ш.Сафаров, М.Джусупов, А.Маматов, Ғ.Хошимов, Ж.Ёқубов ва бошқалар.) когнитив тилшуносликнинг таянч тушунчаларидан бири бўлган концепт муаммоларига қаратилган тадқиқотлари билан лингвомаданиятшунослик соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ў.Қ.Юсупов концептни шундай таърифлайди: “Концепт - бу онгимизда мавжуд бўлган ташқари ё ичкари оламдаги бирон буюм ё жараёнлар тўғрисидаги илмлар мажмуаси, улар тўғрисидаги кўриниш ҳамда унга нисбатан яхши, ёмон ё нейтрал муносабатдир”[4].

Д.У.Ашурованинг концептга бўлган нуқтаи назари қуйидагича: “концепт – бу уйғун бирлик ҳосил қилувчи ментал тузилма бўлиб, у олам тасвирининг ядровий компоненти сифатида лингвомаданий аҳамиятга эга бўлган алоҳида шахсга ва бутун жамиятга тегишли бўлади”[5].

---

[1] Кубрякова Е. С. Краткий словарь когнитивных терминов [Текст].– М.: Просвещение, 1996. – С.27.

[2] Langacker R.W. The contextual basis of cognitive semantics [Text]. – London etc.: Cambridge Univ. Press, 1999. –P. 64-65

[3] Croft W.Explaining Language Change: an evolutionary approach. – London.: Longman, 2000: – C. 61-94

[4] Юсупов Ў.Қ. Чоғиштирма тилшуносликнинг янги вазифалари. Хорижий филология. – Самарқанд. – 2011. – №3. – Б.100

[5] Ашурова Д.У. Новые подходы к лингвистике текста. Хорижий филология. – №3. – Самарканд, 2011. – Б.32

Тилшунос Ш.Сафаров концепт тубида тушунча, образ ҳамда лисоний мазмун йиғиндиси бўлади, концептлар шахс онгида вужудга келадиган ҳар хил категорияларнинг асосини ташкил қилади ва буларга асосий таянч вазифасини бажаради”, - деб ёзади[6].

А.Э. Маматов концепт структурасига ва унинг моҳиятига эътибор қаратиб, шундай ёзади: “Концепт мураккаб стуктурага эга бўлиб, бир томондан, тушунчанинг барча қирраларини қамраб олса, бошқа тарафдан уни маданиятнинг бир кўриниши сифатида ифода этувчи дастлабки омиллар, яъни у ёки бу тушунчанинг этимологияси, тарихи, ҳозирги кундаги ассоциативлиги, қадр-қимматлилиги, коннотацияларини қамраб олади. Концепт – бу маълум социумнинг маънавий ёки моддий маданиятини тил белгилари билан боғлаб турадиган ҳодиса ҳақидаги билимдир. Концептни бундай тушуниш этномаданий мақсадга қаратилганлик характерига эга бўлиб, концептни гўё ментал, фалсафий ва психологик соҳадан қадриятли маданий соҳага ўтказади”[7].

Юқоридаги олимларнинг фикрича, “маъно”, “тушунча” ва “концепт” бу ҳар хил терминлардир. Шундай бўлса-да, Ў.Юсупов “тушунча” ва “концепт”нинг бир-бири билан дастлаб узвий боғлиқ терминлар эканини эътироф этади: “Тушунча” энди пайдо бўлганда, у билан “концепт” ўртасида фарқ бўлмайди, шу сабабдан бундай пайтларди “тушунча” атамасини бемалол қўллаш мумкин. “Тушунча” акс эттирган предмет ёки ҳодисанинг янги белги-хусусиятлари очилиши билан ёки ўша предмет-ҳодисага нисбатан муносабат (баҳолаш) ёки образ ҳосил бўлиши билан “концепт” пайдо бўлади. Бунда, концепт ўша тушунча асосида пайдо бўлади ва уни ўз ичига олади”[8].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кубрякова Е. С. Краткий словарь когнитивных терминов [Текст].– М.: Просвещение, 1996. – С.27.
2. Langacker R.W. The contextual basis of cognitive semantics [Text]. – London etc.: Cambridge Univ. Press, 1999. –P. 64-65
3. Croft W.Explaining Language Change: an evolutionary approach. – London.: Longman, 2000: – С. 61-94
4. Юсупов Ў.Қ. Чоғиштирма тилшуносликнинг янги вазифалари. Хорижий филология. – Самарқанд. – 2011. – №3. – Б.100
5. Ашурова Д.У. Новые подходы к лингвистике текста. Хорижий филология. – №3. – Самарканд, 2011. – Б.32
6. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.– Б. 25.
7. Маматов А.Э. Замонавий лингвистика. –Тошкент: “Noshir”. 2019. – Б. 71-102.
8. Юсупов Ў.Қ. Чоғиштирма тилшуносликнинг янги вазифалари. Хорижий филология. – Самарқанд. – 2011. – №3. – Б.101

[6] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.– Б. 25.

[7] Маматов А.Э. Замонавий лингвистика. –Тошкент: “Noshir”. 2019. – Б. 71-102.

[8] Юсупов Ў.Қ. Чоғиштирма тилшуносликнинг янги вазифалари. Хорижий филология. – Самарқанд. – 2011. – №3. – Б.101